



Яқинда Алмати шаҳрида (Козогистон) Чингизхон номидаги Халқаро Академиянинг (Мўғилистон) академиги Анатолий Оловинцовнинг "Турклар ёки мўғуллар? Чингизхон даври" китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Китобда муаллиф Чингизхон асос солган империянинг давлат тили туркий бўлганига 11 та далил-хужжат келтирган. Китоб Мўғуллар давлати тарихининг XIII-XIV асрларини камраб олган, деб хабар килди Today.

Далиллар орасида: 1246 йилги Гуюк хоннинг давлат мухри (Ватиканга юборган мактубидан), Чингизийлар тоши (1219-1224 йилларда, яъни Чингизхон ҳаёти даврида ишланган), Днепрдан Хитойгача топилган турли хил ёрликларга ишланган муҳрлар, Хубилай хон авлодларига юборган рисола (Истамбул), Марказий Осиёнинг баъзи ҳукмдорларининг мактублари.

Академик Оловинцовнинг сўзларига кўра, тарихий хужжатларда битилган барча ёзувлар туркий тилда бўлган. Уларнинг баъзилари уйғур алифбосида ёзилган. Академик хужжат сифатида Хитойнинг илк коғоз пуллари "юани"ни ҳам келтирган. "Илк коғоз пуллариغا Кублай хоннинг давлат мухри урилган, унда эса, уйғур алифбосида ёзилган туркий сўзлар бўлган", дейди Оловинцев.

Абу Муслим тайёрлади